

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА
КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ

МУҲАММАД АЛ-ҲОРАЗМӢЙ НОМИДАГИ
ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК: 004.932

ФАЙЗИЕВ ВОҲИД

**НОРАВШАН БЕЛГИЛАР БИЛАН БЕРИЛГАН
ОБЪЕКТЛАРНИ АНГЛАШ АЛГОРИТМИ ВА
ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ**

5A330501- “Компьютер тизимларини лойиҳалаш”
мутахассислиги бўйича магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: т.ф.н., доц. Бекмурадов Қ.А.

Самарқанд-2020

МУНДАРИЖА

КИРИШ	8
I БОБ. НОРАВШАН БЕЛГИЛАР БИЛАН БЕРИЛГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАҲЛИЛЛАШ ЁНДАШУВЛАРИ	14
1.1. Норовшан тўпламлар назарияси ҳақида қисқача маълумот	14
1.2. Объектларнинг турли типли белгилар фазосида ифодаланиши	18
1.3. Маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишда тимсолларни англаш масалалари, усуллари ва алгоритмлари	21
1.4. Норовшан мантиқий хулосалаш қоидалари	27
I боб бўйича хулоса.....	32
II БОБ. ТАСВИРЛАРДА НОРАВШАН БЕЛГИЛАР БИЛАН БЕРИЛГАН ОБЪЕКТЛАРНИ АНГЛАШДА НОРАВШАН МАНТИҚ УСУЛЛАРИГА ТАЯНИЛГАН ЁНДАШУВ.....	34
2.1. Норовшан тизимлар ёрдамида тасвирга рақамли ишлов бериш алгоритми	34
2.2. Норовшан тўплам аппаратида фойдаланиб тасвирдаги объектларнинг контур чизиқларини ажратиш.....	39
2.3. Тасвирдаги норовшан белгилар билан берилган объектларни интуиционистик норовшан кластеризациялаш модели	46
II боб бўйича хулоса	51
III БОБ. ТАСВИРЛАРГА БОШЛАНҒИЧ ИШЛОВ БЕРИШДА НОРАВШАН МАНТИҚНИ ҚЎЛЛАШ АЛГОРИТМИ ВА ДАСТУРИЙ ТАЪМИНОТИ.....	52
3.1. Норовшан ишлов бериш жараёни алгоритмлари.....	52
3.2. Норовшан мантиқ асосида тасвирга ишлов беришда Python тили имкониятлари	55

3.3. Нимранг тасвирларда норавшан белгилар билан берилган объектни англаш ва ранг қийматларини ўзгартириш	56
ХУЛОСА	63
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	65
ИЛОВА.....	68

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Тиббиёт, техника ва табиатга оид норавшан белгилар билан берилган объектларни таниб олишда сушт шаклланган ёки норавшан маълумотларни қайта ишлаш, уларнинг сифатини ошириш, айниқса, инсон кўзи билан кўриши ва таниб олиши мураккаб бўлган тасвирларни ўрганишда тасвирларига рақамли ишлов бериш ўта муҳим, кам ўрганилган ва истиқболли муаммолар сирасига киради.

Мамлакатимизда ахборотлашган жамият куриш бўйича халқ хўжалиги соҳаларида, ишлаб чиқариш ва таълим тизимида кенг миқёсда ислохотлар олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи Президентининг 2012 йил 21 мартдаги ПҚ-1730 сонли «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 декабрдаги “Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасини янада ривожлантириш ва унинг маблағларидан самарали фойдаланиш тўғрисида”ги 356-сонли Қарорининг қабул қилиниши ахборот-коммуникация технологияларини соҳаларга сингдириш ва уларни ривожлантириш борасида жадал қўйилган қадамлар ҳисобланади.

Тасвирларга ишлов бериш ва улардаги тимсолларни англаш ва мавзусида дунёда кўплаб олимлар ва тадқиқотчилар иш олиб боришган. Бу масала XX асрнинг сўнгги йилларида ривожланиб, ҳозирги кунда икки ва уч ўлчовли тасвирлар устида турли амаллар бижариш, уларни аниқлаш, тасвирларни бир-бири билан ўзаро боғлиқлиги каби хусусиятлари кенг ўрганилмоқда. Ушбу масала бўйича дунёнинг етук олимлари тадқиқотлар олиб борган ва ҳозирда ҳам бу ишлар давом эттирилмоқда. Белоруссияда 1990-2000 йиллар оралиғида Абламейко С.В., Лагуновский Д.М, Мурашко Н.И., Кулешов А.Я., Самаль Д.И., Старовойтов В.В., Семенов О.И., Москвада 1972 йиллар Розенфельд А., 1975-1990 йилларда Анисимов Б.В., Курганов В.Д., Злобин В.К., Бакут П.А., Колмогоров Г.С., Ворновицкий И.Э., Бочко В.А.,

Быков Р.Е., Гуревич С.Б., Даджион Д., Мерсеро Р., Денисов Д.А., Низовкин В.А., Дж. Ту, Р. Гонсалес., Коулмэн Г.Б., Мартинес Ф., Недзьведь А.М, Павлидис Т., Прэтт У.К., Путятин Е.П., Аверин С.И., 1995-2000 йиллар оралиғида Плесков А.В., Писаревский В.Н., Талёб М. А. ва бошқа олимлар ушбу масала устида турли илмий изланишлар олиб борганлар ва амалий алгоритмлар яратишган. Жумладан, тадқиқотчи Улд Ахмед Талёб шу йўналиш бўйича илмий изланишлар олиб бориб, унинг тадқиқот ишида қуйидаги масалалар ҳал этилган: рангли тасвирлар устида рақамли амаллар бажариш усуллари, рангли тасвирларни бўлаклаш масаласи алгоритмлари ва уларни тадқиқот тажрибалари бўйича кенг маълумотлар келтирилган. Уларда тасвирга дастлабки ишлов бериш, нимранг(кулранг) тасвирларни бўлаклаш, соҳалар тушунчаси, рангли тасвирларни бўлаклаш, тасвирларни ёрқинлик градиенти ва соҳа ўстириш усули ёрдамида бўлаклаш, белгиларни аниқлаш, бўлаклаш натижаларини расмийлаштириш ва таҳлил қилиш масалалари илмий тадқиқот ишининг асоси ҳисобланади.

Рус олимларидан Вадим Конушин ва Владимир Вежневевнинг “Тасвирларни бўлаклаш усуллари: интерактив усуллар” мавзусидаги бажарган изланишларида асосан курсор ёрдамида тасвир нуқталарини танлаш ёрдамида тасвир қисмини бўлаклаш ишларига урғу берилган. Унинг бир жихати шундаки, тасвир устига ихтиёрий чизилган чизиқ тасвирнинг контурига нисбатан яқин жойлашганлиги аниқланади ва тасвирни бўлаклаш амалга оширилади.

И.С.Грузман, В.С.Киричук ва бошқаларнинг “Ахборот тизимларида рақамли тасвирларни ишлаш” номли ўқув қўлланмаси тасвир сифатини ошириш, тасвирни филтрлаш турлари: чизиқли, Винер ва бошқалар, тасвирни тиклаш, тасвирда геометрик алмаштиришларини амалга ошириш, фотограмметрия ва стерео кўриш имконияти ва шу каби маълумотларга бағишланган. Унинг амалий аҳамияти шундаки, нафақат оддий тасвирлар, балки реал вақтда камера тасвирларини қайта ишлаш ва йўқотилган тасвирни тиклаш масалалари ечилган.

Ўзбекистонда тасвирларга рақамли ишлов бериш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб борган С.С.Содиқов, Қодирова Г.Х., Самандаров И.Р., Фозилов Ш.Х., Мирзаев Н., Тўхтасинов М., Раджабов С., Мамарауфов О. каби олимларни айтиб ўтишимиз мумкин.

Кейинги йилларда ахборотни интеллектуал қайта ишлаш усулларига илмий ва амалий қизиқиш ортиб бормоқда. Ахборотни қайта ишлашнинг бундай усулларига норавшан мантиқ моделлари, нейрон тўрлар, гибрид нейрон тўрлари ва бошқа “табiiй” ёндашувли, комбинацияланган моделлари каби бир қатор “Юмшоқ ҳисоблаш” воситаларини киритиш мумкин [Ошибка! Источник ссылки не найден.,Ошибка! Источник ссылки не найден.]. Бу соҳада Ўзбекистонда Т.Бекмурадов, Д.Мухаммадиева, Р.Усмонов, О.Бобомурадов ва З.Минглиқулов каби олимларимиз шуғулланиб келмоқдалар.

XX асрнинг 60-йилларида Л.Заде [Ошибка! Источник ссылки не найден.] томонидан асос солинган норавшан мантиқ бир неча ўн йилликлар мобайнида инсон фикрлашига яқин моделлаштириш, классификациялаш ва маълумотлар таҳлили каби масалаларни моделлаштиришнинг қудратли воситасига айланди. Норавшан тўпламлар назариясининг математик аппарати норавшан фикрлаш ва қоидаларга асосланиб объект моделини қуриш имкониятига эга. Норавшан моделлар реал дунё жараён ва ҳодисаларини лингвистик термлар орқали табiiй тилда баён қилади, норавшан хулосалаш механизми эса одам учун шаффоф ва тушунарли бўлади. Ушбу устунликлар илм, техника ва иқтисодиётнинг турли амалий соҳаларини автоматик бошқариш, қарор қабул қилиш, башоратлаш каби бир қатор масалаларини ечиш учун кенг қўллаш имкониятини яратади [23].

Н.М.Мирзаев норавшан тўплам аппаратида фойдаланиб тасвирдаги объектларнинг контур чизиқларини ажратишда маълум турдаги халақитлар учун турғун бўлган алгоритмлар синфи ишлаб чиқилган. Таклиф қилинган алгоритмларнинг асосий ғояси норавшан “орторма”, “катта”, “кичик”, “негатив”, “позитив” каби тушунчалардан фойдаланган ҳолда контур чизиқларини аниқлашдан иборат. Қаралаётган нуқта учун ихтиёрий йўналиш

норавшан орттирма ҳисоблаш қоидаси келтирилган ва уни ишга яроқли эканлигини текшириш бўйича экспериментал тадқиқот ўтказилган. Амалда босма ҳарфлар билан қўлда ёзилган ҳарфлар таниб олиш масаласига табиқи қаралган ва унинг самарадорлиги кўрсатилган.

Тасвирларга рақамли ишлов беришда тасвир пикселлари хусусиятлари учун норавшан тегишлилик тўпламларини қуришда бир қатор параметрларни танлашда норавшан хулосалашни назарда тутадиган бўлсак, тасвирда норавшан шаклланган объектлар, пикселларда норавшан тақсимланган ҳалақитлар, объект чегаралари каби тушунчаларни қараш мумкин.

Тадқиқот объекти ва предметининг белгиланиши. Диссертация мавзусининг тадқиқот **объекти** – рақамли кулранг тасвирлар, реал вақтда тасвирларга рақамли ишлов бериш усуллари ва норавшан мантиқ асосида тасвирларга дастлаб ишлов бериш алгоритмларидир. Тадқиқот **предмети** сифатида эса тасвирларда норавшан белгилар билан берилган объектларни кластеризациялаш усуллари, норавшан филтрлаш алгоритмлари ва дастурий воситалари қаралади.

Тадқиқот мақсади ва вазифалари. Мазкур диссертация ишининг мақсади эталон танловдаги объектлар, масалан, тасвирлардаги объектлар норавшан белгилар билан берилганда улар устида норавшан тўпламлар амалларини қўллаш натижасида ҳар бир синфга хос норавшан белгиларни ҳосил қилиш ва улар асосида объектларни интеллектуал англаш алгоритми ва дастурий таъминоти ишлаб чиқилади.

Тадқиқот вазифалари:

- норавшан белгилар билан берилган объектларни интеллектуал таҳлиллаш ёндашувларини тадқиқ қилиш;
- тасвирларда норавшан белгилар билан берилган объектларни англашда норавшан мантиқ усулларига таянилган ёндашувлар таҳлил қилиш;
- норавшан мантиқий хулосалаш асосида тасвирларда норавшан белгилар билан берилган объектларни кластеризациялаш усул ва алгоритминини ишлаб чиқиш;

- нимранг тасвирларда норавшан белгилар билан берилган объектни англаш ва ранг қийматларини ўзгартириш дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Очик кодли компьютерли кўриш кутубхоналари (OpenCV) ва Python юқори дастурлаш тилида турли хил форматдаги тасвирларни таҳлил қилиш, тасвирларни рақамли ишлов беришда норавшан тўпламлар ва норавшан қоидаларнинг қўллаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш объект ҳақида кўпроқ маълумот олиш имконини беради ҳамда иқтисодий жиҳатдан тежамкорликка олиб келади.

Тадқиқотда қўлланилган услубларнинг қисқача тавсифи. OpenCV кутубхоналари ва алгоритмлари орқали тасвирларни филтрлаш, тасвирнинг контрастини ўзгартириш, Python 2.7 дастурлаш тилида OpenCV кутубхоналари ва Scikit-Fuzzy пакетидан норавшан мантиқий хулосалаш механизми учун алгоритмлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тасвир контурини ажратишда норавшан мантиқий хулосалаш, тасвирларнинг мос хусусиятларини аниқлаш ва улар асосида таққослаш усул, модел ва алгоритмлари норавшан моделлар параметрларини созлаш асосида рақамли тасвирларга ишлов беришни интеллектуаллаштирилган тизимларини қуриш назариясини ривожланишига ҳизмат қилади. Ишлаб чиқилган усул ва алгоритмлар интеллектуал камералар, робот-манипуляторлар учун дастурий воситалар ишлаб чиқишда амалий аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Диссертация ишида норавшан тўпламнинг интуиционистик назариясини қўллаш орқали рангларни кластеризациялаш норавшан C-ўртача алгоритми алгоритми модификацияланди. Ишлаб чиқилган модел норавшан C-ўртача алгоритмидаги ўзига хос хатоликлар бартараф қилади ва турли ранг моделларида рангларни кластеризациялаш яхшилайди.

Диссертация таркибининг қисқача тавсифи. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва иловадан таркиб топган.

Биринчи бобда норавшан белгилар билан берилган объектларни интеллектуал таҳлиллаш ёндашувлари таҳлил қилинган. Норавшан тўпламлар назарияси ҳақида қисқача маълумот баён этилган. Объектларнинг турли типли белгилар фазосида ифодаланиши, маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишда тимсолларни англаш масалалари, усуллари ва алгоритмлари тадқиқ қилинган.

Иккинчи бобда эса тасвирларда норавшан белгилар билан берилган объектларни англашда норавшан мантиқ усулларига таянилган ёндашув ёритилган. Унда норавшан тизимлар ёрдамида тасвирга рақамли ишлов бериш алгоритми, норавшан тўплам аппаратида фойдаланиб тасвирдаги объектларнинг контур чизиқларини ажратиш ва тасвирдаги рангларни интуиционистик норавшан кластеризациялаш модели ишлаб чиқилган.

Учинчи боб тасвирларга бошланғич ишлов беришда норавшан мантиқни қўллаш алгоритми ва дастурий таъминоти ҳақида бўлиб, унда норавшан ишлов бериш жараёни алгоритмлари, норавшан мантиқ асосида тасвирга ишлов беришда Python тили имкониятлари ҳамда нимранг тасвирларда норавшан белгилар билан берилган объектни англаш ва ранг қийматларини ўзгартириш дастури изоҳлаб берилган.

Олинган илмий-амалий натижалар қисқача хулосаланган, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва яратилган дастур коди иловад келтирилган.

I БОБ. НОРАВШАН БЕЛГИЛАР БИЛАН БЕРИЛГАН ОБЪЕКТЛАРНИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ ТАҲЛИЛЛАШ ЁНДАШУВЛАРИ

1.1. Норавадан тўпламлар назарияси ҳақида қисқача маълумот

Ахборот технологиялари (АТ) ривожланишининг вектори уларнинг интеллектуаллаштириши ҳисобланади. Интеллектуал АТ янги ва юқори АТнинг замонавий синфларини ифодалайди.

АТни интеллектуаллаштиришнинг мақсади уларнинг хусусиятларини ЭҲМда ифодалаш ва формал бўлмаган билимларни қайта ишлашдан иборат. Формал бўлмаган масалалар деганда одатда қатъий математик воситалар билан ифодалана олинмайдиган масалаларни тушунамиз.

Интеллектуал ҳисоблаш технологияларининг амалий қўлланиши истиқболларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Сушт тизимлаштирилган қарорларни қабул қилиш тизимига эга ахборот-таҳлилий тизимлар.
- Норавадан шароитида мониторинг, ташхислаш, ўқитиш ва бошқариш тизимлари [Ошибка! Источник ссылки не найден.,Ошибка! Источник ссылки не найден.].
- Маълумотларнинг интеллектуал таҳлили (МИТ) – маълумотлар омборида билимларни қидириш ва ҳосил қилиш. МИТ, маълумотларнинг тезкор таҳлили (OLAP) ва маълумотлар омбори интеллектуал АТ бизнеси асосини ташкил этади – Business Intelligence.
- Интеллетуал объект ва синфлар мажмуаси сифатида келадиган ахборот жараёнлари ва тизимларини ифодалаш ва фаоллаштиришга асосланган моделлаштиришнинг, таҳлилнинг, лойиҳалашнинг ва дастурлашнинг объектга йўналтирилган технологиялари.

Мазкур тадқиқот ишида Л.Заде ёндашувига асосланган нораваданликларни мантиқий лингвистик формаллаштиришга таянади, улар қуйидагилардан иборат [20]. Норавадан қисм тўплам умумий тегишлилик тушунчасини киритиш орқали ҳосил қилинади, яъни икки элементли $\{0,1\}$

характерга эга бўлган функцияни континуумга $[0,1]$ кенгайтирилади. Бу тўлиқ тегишлиликдан сакраб ўтиш эмас, балки текис, босқичма-босқич ўтишни назарда тутди, тегишлилик $[0,1]$ ораликдаги сонлар билан ифодаланади.

1-таъриф. $\tilde{A} = \{(x, \mu_{\tilde{A}}(x))\}$ норавайн тўплам математик тартибланган жуфтлик X универсал тўпламнинг x элементидан ва мос равишдаги $\mu_{\tilde{A}}(x)$ тегишлилик функцияси ёки бевосита $\mu_{\tilde{A}}(x) : X \in [0,1]$ функцияси кўринишида (тегишлилик функцияси норавайн қисм тўпламни йўқотувчи бўлгани учун) аниқланади. Норавайн $\tilde{A}$ қисм тўпламнинг X универсал тўплами деб $\mu_{\tilde{A}}$ тегишлилик функцияси билан аниқланувчи соҳага айтилади.

Норавайн тўпламлар назариясида $\mu_{\tilde{A}}(x_j) / x_j$ - белгилашни « x_j - $\tilde{A}$ тўпламга $\mu_{\tilde{A}}(x_j)$ тегишлилик даражаси билан тегишли». Норавайн қисм тўпламнинг ўзи қуйидаги кўринишда берилган:

$$\tilde{A} = \bigcup_{j=1}^n \mu_{\tilde{A}}(x_j) / x_j .$$

Бу ерда бирлаштириш белгиси $\mu_{\tilde{A}}(x_j) / x_j$ элементларини бирлаштириш учун фойдаланилган. Бундан кейин адабиётларда қабул қилинган “норавайн қисм тўплам” атамаси ўрнига “норавайн тўплам” (ҚТ) атамасидан фойдаланамиз.

2-таъриф. X ва Y тўпламлар ўртасидаги R норавайн муносабатлари деб $\mu_R : X \times Y \rightarrow [0,1]$ тегишлилик функцияси билан характерланувчи $X \times Y$ декарт кўпайтма қисм тўпламига айтилади.

$\mu_R(x, y)$ функция қиймати субъектив ўлчам ёки x ва y элементлар ўртасидаги R муносабатнинг бажарилиши даражаси сифатида тушунилади. Кейинги ишлатиладиган муносабат ёзувларида $R(x, y)$ ёзуви билан бир қаторда $\mu_R(x, y)$ ни ҳам ишлатамиз. Агар X ва Y тўплам тугалланган бўлса, X ва Y лар ўртасидаги R норавайн муносабатни X ва Y тўпламлари элементларига мос равишда сатрлар ва устунларнинг мос муносабатлар матрицаси кўринишда акс

этирилади, x сатр ва y устунларнинг кесишмасига $R(x,y)$ элемент жойлаштирилади. X ва Y тўплам мос тушиб қолган ҳолати учун $\mu_R : X \times X \rightarrow [0,1]$ норавадан муносабат X тўпламдаги норавадан муносабат деб юритилади.

Тегишлилик функцияси 0 ва 1 қийматнигина қабул қиладиган оддий муносабатни норавадан муносабатнинг хусусий ҳоли сифатида қараш ўринли. Бу ерда оддий ва норавадан муносабатларнинг турличалигини акс этирувчи мисол келтириш ўринли. Бунинг учун икки “ўхшаш” муносабатни $[0,1]$ ораликда қараш маъқул, шу қаторда таъкидлаш лозимки уларнинг бири оддий (аниқ), иккинчиси эса норавадан. Оддий муносабат учун $R (\geq)$ (“катта ёки тенг”) муносабатини, норавадан муносабат учун эса $\tilde{R} (>)$ (“кўп катта”) муносабатни олиш оламиз.

Норавадан муносабатларни аниқлашдан ташқари бундан кейин ишлатиладиган баъзи амалларни аниқлашни киритамиз.

3-таъриф. $X \times Y$ да аниқланган $\tilde{R}$ ва $\tilde{S}$ норавадан муносабатлар бирлашмаси деб $X \times Y$ да аниқланувчи $\tilde{R} \cup \tilde{S}$ кўринишдаги норавадан муносабатга айтилади ва у қуйидаги кўринишдаги тегишлилик функцияси кўринишда аниқланади:

$$\mu_{\tilde{R} \cup \tilde{S}}(x, y) = \max(\mu_{\tilde{R}}(x, y), \mu_{\tilde{S}}(x, y)), \quad \forall x, y \in X.$$

4-таъриф. $X \times Y$ да аниқланган $\tilde{R}$ ва $\tilde{S}$ норавадан муносабатлар бирлашмаси деб $X \times Y$ да аниқланувчи $\tilde{R} \cap \tilde{S}$ кўринишдаги норавадан муносабатга айтилади ва у қуйидаги кўринишдаги тегишлилик функцияси кўринишда аниқланади:

$$\mu_{\tilde{R} \cap \tilde{S}}(x, y) = \min(\mu_{\tilde{R}}(x, y), \mu_{\tilde{S}}(x, y)), \quad \forall x, y \in X.$$

5-таъриф. $\tilde{R}$ норавадан муносабатга қўшимчани $\tilde{\bar{R}}$ кўринишда белгиланади ва қуйидаги кўринишдаги тегишлилик функцияси норавадан муносабати билан аталади:

$$\mu_{\tilde{\bar{R}}}(x, y) = 1 - \mu_{\tilde{R}}(x, y), \quad \forall x, y \in X$$

6-таъриф. $\tilde{R}$ норавшан муносабатга тескариси сифатида $\tilde{R}^{-1}$ олинади ва куйидаги кўринишдаги тегишлилик функцияси норавшан муносабати билан аталади:

$$\mu_{\tilde{R}^{-1}}(x, y) = \mu_{\tilde{R}}(y, x), \forall x, y \in X$$

7-таъриф. $X \times Y$ ва $Y \times Z$ да аниқланган $\tilde{R}$ ва $\tilde{S}$ норавшан муносабатнинг максимин композицияси деб $Y \times Z$ да аниқланган $\tilde{Q} = \tilde{R} \circ \tilde{S}$ норавшан муносабатнинг куйидаги кўринишдаги тегишлик функциясига айтилади:

$$\mu_{\tilde{Q}}(x, z) = \max_{y \in Y} \{ \min(\mu_{\tilde{R}}(x, y), \mu_{\tilde{S}}(y, z)) \}, \quad \forall x \in X, y \in Y, z \in Z.$$

Норавшан тўплам назариясининг асосий элементларидан тадқиқ қилинаётган объектнинг хусусиятларини формаллаштирилмаган тилдаги муносабат билдиришлар орқали ифодаланишида вужудга келувчи норавшан ва лингвистик ўзгарувчилар ҳисобланади.

Л.А.Заде [20] норавшан ҳол учун оддий ўзгарувчи тушунчасини умумлаштирди ва норавшан ўзгарувчилар қиймати бўлган лингвистик ўзгарувчиларни аниқлаб берди.

Оддий ўзгарувчини u (X, U, C) кўринишида аниқлади, бу ерда X – ўзгарувчи номи, U – универсал тўплам, C – ўзгарувчининг қийматлар соҳаси ёки бошқа сўзлар билан айтганда $u \in U$ элемент қийматлари чекланишларининг X шартли номи. Масалан, агар X инвестицион лойиҳанинг “Юқори даражадаги таваккал”ни англатса, $u \in U$ сифатида $[0; 100]$ оралик олиниши мумкин, C эса ушбу ораликнинг қисм тўплами бўлиши мумкин.

Норавшан ўзгарувчи ($X, U, M(x)$) жамланма билан характерланади, бу ерда X – ўзгарувчи номи, U – универсал тўплам, аммо бу ерда оддий ўзгарувчи

ўрнида $M(X) = \bigcup_{u \in U} \frac{\mu_{M(X)}(u)}{u}$ кўринишдаги U норавшан қисм тўплам, u ўзида

$u \in U$ элемент қийматларига X шартли номланган чегараланишни ифодалайди. $M(X)$ норавшан ўзгарувчи семантикаси (мағзи) сифатида

интерпретацияланади. Бундай интерпретация профессионал тилдаги тушунчалар, муносабатлар, ифодаларни формаллаштириш имкониятини беради.

Норавшан ўзгарувчини киритиш, бир томондан инвестицион жараённинг комплекс хусусиятларини “Юқори даражадаги таваккал” ифодаси орқали акс эттирилса, бошқа томондан бу ифодани юқорида аналитик ифодада келтирилган фикрдаги норавшан ўзгарувчи номи сифатида қараш мумкин. Норавшан тўпламлар назариясида ўзгарувчи лингвистик ўзгарувчи ҳисобланади, у (X, T, U, G, M) жамланма билан характерланади, бу ерда X – лингвистик терм номи, E – қийматлар ёки термлар тўплами (бунда уларнинг ҳар бир $(T_i, U, M(T_i))$) норавшан ўзгарувчи ҳисобланади, уларни яна асосий терм-тўплам ҳам дейилади, U - универсал тўплам, T тўпламда лингвистик ўзгарувчи қийматини аниқловчи G – синтактик қоида, $M - T_x$ янги термга бириктириш имконини берувчи $M(T_x)$ мазмуни.

1.2. Объектларнинг турли типли белгилар фазосида ифодаланиши

Ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб, инсоннинг кўриш, эшитиш, ҳис қилиш, ҳид билиш каби сезги органлари ёрдамида табиий жараён (объект, предмет, ҳодиса, ҳолат, воқеа ва бошқалар) ҳақидаги ахборотларни етарлича тавсифлай олиш хусусиятларини ЭХМга тадбиқ этишга оид кибернетика фанининг турли илмий йўналишлари ривожлана борди. Замонавий компьютер технологиялари ҳамда маълумотларни таҳлил қилиш йўналишининг босқичма-босқич ривожланиб бориши бундай муаммоларни ҳал этиш суратини жадаллаштирди. Шундай бўлсада, инсон модели хатти-ҳаракатлари ва интеллектуал хусусиятларини интеллектуал тизимларга жорий қилиш бугунги кун илм-фанида тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганиш талаб этиладиган ниҳоясиз масалалардан ҳисобланади. Сўнгги йилларда халқ хўжалигининг барча тармоқларида инсоннинг муайян вақтда бажаришга қодир бўлмаган юмушларини бир зумда ҳал этишга хизмат қиладиган,

интеллектуал тизимлардан фойдаланадиган робото-техник қурилмаларни ишлаб чиқариш ва улардан кенг фойдаланиш оммалашиб бормокда.

Замонавий интеллектуал тизимларнинг янада такомиллаштирилиши учун предмет соҳа объектлари ҳақидаги ахборотларни чуқур ўрганишда замонавий ўлчов асбобларидан фойдаланиб, уларнинг белгилар фазосини шакллантириш, таҳлил қилиш, таниб олиш каби масалаларни юқори аниқликда ҳал этилишини тақоза этади. Ўрганилаётган объект ҳақидаги ахборотларни интеллектуал таҳлил қилиш мақсадида уларни характерловчи белгиларни тўғри аниқлаш ва ўлчаш, уларнинг қийматлар соҳасини аниқлаш ва шкалалаштириш муаммоларининг ҳал этилиши унинг реал ҳолатини ёритишда муҳим омил ҳисобланади.

Бир жинсли $\{S\}$ объектлар тўпламининг $\{X\}$ таснифий белгилар орқали ифодаланиши – *белгили тавсифлаш* деб юритилади. Предмет соҳа объектлари моделини белгили тавсифлашнинг мураккаблиги – бу белгиларнинг турли, кўп ўлчовли физик хусусиятлардан иборат бўлишига боғлиқ. Масалан, тирик мавжудотларни белгили тавсифлашда уларнинг географик, физик, морфологик, кимёвий, геномик каби турли хусусиятларидан фойдаланиш мумкин. Аммо ҳар бир туркум белгилари бир-бирига боғлиқ бўлмаган йўналишлар усуллари орқали тадқиқ қилинади. Бу узоқ вақт ва ортиқча маблағни талаб қилади. Шу боис, қўйилган масалага кўра объектларнинг математик ва компьютерли моделларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Бундан ташқари предмет соҳа объектларини моделлаштиришда қуйидаги ноаниқлик кўринишлари пайдо бўлиши мумкин:

- *кўп жинслилик*, бир турдаги объектларнинг турли ўлчамли белгилар билан ифодаланиши ва уларни бир жинсли кўринишга келтириш;
- бир белгининг *кўп сонли (икки ёки ундан ортиқ) ост белгилар билан ифодаланиши*. Бундай ҳолатларда объектларни қиёслаш мураккаблиги ортиб кетади;
- белгининг *кўп қийматлилиги* (белгининг қийматлари икки ёки ундан ортиқ бўлиши);

- *априор маълумотлардаги ноаниқликлар* (объект белгисидаги ахборотнинг мавжуд бўлмаслиги ёки мантиқан хато қийматлар билан берилиши);

- *белгилари орасидаги ўзаро боғлиқликларни* аниқлашнинг мураккаблиги;

- турли шкалаларда ўлчанадиган ҳам *сифат*, ҳам *миқдор* жihatдан бўладиган белгилар;

- *белгиларининг турли типлилиги* (мантикий, сонли, норавшан ва.х.к.).

Тадқиқот ишида объектлар ҳақидаги ахборотларнинг турли типлилиги ва айниқса норавшан тўпламлар орқали ифодаланганлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Объектларни идентификациялашда ахборотга дастлабки ишлов бериш, уларнинг белгиларини (мантикий, номинал, миқдорий, тартибланган, лингвистик, интервалли, норавшан кўринишда) типлаштирилиши муҳим ўрин тутди.

Тимсолларни аниқлашнинг классик усулларида амалий соҳалар объектларининг сифатий белгилари 1.1-жадвалдаги сингари миқдорий кўринишларга ўтказилган.

1.1-жадвал


Объект белгиларининг баъзи типлари

	Миқдорий (сонли) белгилар	Сифатий белгилар
Мантикий	{0, 1}	{“мавжуд эмас”, “мавжуд”}
Дискрет сонлар	аниқ натурал ёки ҳақиқий сонлар	<i>k</i> тартибли миқдорлар, норавшан сонлар
Узлуксиз миқдорлар	(датчик ёки ўлчов асбоблари томонидан олинган қийматлар)	оралиқли қийматлар, норавшан сонлар
Номланиш	тартиб рақамга эътибор берилган	атамалар, ранглар ва х.к. номи
Лингвистик	ранжировка қилинган миқдорлар	Норавшан тўпламлар (сўзлар, жумлалар)

Классик математик усуллардан фойдаланган маълумотларни таҳлил қилиш йўналишининг мантиқий давоми ҳисобланган маълумотларни интеллектуал таҳлил қилиш (МИТ, Data Mining) йўналишида ахборотларнинг турли типлилик ҳолатида таҳлил қилиш муаммосига алоҳида эътибор қаратилди. Кейинги параграфда МИТ ва унда тимсолларни аниқлаш масалаларининг ўрни ҳақида фикр юритилади.

1.3. Маълумотларни интеллектуал таҳлил қилишда тимсолларни англаш масалалари, усуллари ва алгоритмлари

Инсон қабул қиладиган қарорларга мос бўлган маълумотларни интеллектуал таҳлиллаш (МИТ) усуллари ишлаб чиқиш ҳамда улардан интеллектуал тизимларни ривожлантиришда фойдаланиш муҳим ҳисобланади. МИТ – тимсолларни аниқлаш, сунъий интеллект, ахборот (тасвир, овоз)ларга рақамли ишлов бериш, статистика, алгоритмлаштириш, визуаллаштириш, маълумотлар ва билимлар базаси каби фан йўналишларини ўз ичига қамраб олади [19]. МИТда ҳар бир фан йўналиши бўйича ишлаб чиқилган усул ва алгоритмларнинг ўзаро интеграциясидан ҳосил қилинадиган гибрид усулларни ишлаб чиқиш оммалашиб бормоқда. 1.1-расмда интеллектуал тизимларнинг асосий босқичлари келтирилган бўлиб, мазкур ишда МИТ усуллари тақомиллаштириш вазифасига алоҳида эътибор қаратилади.



1.1-расм. Предмет соҳа объектларини МИТ усуллари орқали таҳлил қилиш

МИТ йўналишининг ривожланиш босқичлари. Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш технологияси ривожланиши илк бора ҳисоблаш машиналарида маълумотларни сақлаш имконияти яратилиши билан боғлиқ (XX асрнинг 50 йиллари охири) [19,23].

60-йилларда илк маълумотлар базасини бошқариш тизимлари (МББТ) истеъмолга киритилиб, бир қатор маълумотлар моделлари, жумладан иерархик, тармоқли ва шу кабилар.

70-йилларда маълумотларнинг реляцион моделлари ва реляцион МББТлар истеъмолга киритилган.

80-йилларда МББТларнинг ривожлантирилган реляцион-объектга йўналтирилган, кенгайтирилган реляцион, дедуктив каби кўринишлари, шу қаторда МББТларнинг махсус йўналишларга “йўналтирилган” турлари вужудга келди.

90-йилларда мультимедиа маълумотлар базаси (МБ), www серверлари, OLAP ва нихоят Data Mining каби ривожланган илғор технологиялар жорий этила бошлади.

МИТ технологияси йўналишининг асосчиси – Григорий Пиатецкий-Шапиро шундай фикр билдирган: “МИТ– бу инсон фаолиятининг турли хил соҳаларида қарор қабул қилиш учун зарурий, аввалдан номаълум бўлган, амалий фойдали, ишлов берилмаган маълумотларни ошкор этиш жараёнидир”. Бу таърифда, тушунарсиз ва тизимлашмаган ахборотларни маълумотлар тўпламидан ажратиб олиш, улардан яширин қонуниятларни излаб топиш ва ундан фойдаланиш учун яроқли ҳолда тақдим этиш жараёни эканлиги уқтирилган [1,18,19,65,79,80].

Баъзи манбаларда Data Mining – маълумотлар базалари, матнлар, расмлар, видео ва ҳ.к. кўринишдаги кўп ҳажмли, ҳар хил маълумотлар манбаларидан билимлар (қонуниятлар)ни излаб топиш жараёнидир. Олинган билимлар ишончли, фойдали ва тадбиқ этиладиган бўлиши керак, деб келтирилган.

Сўнгги ўн йилликда маълумотларнинг кескин ортиб бориши катта ҳажмли маълумотлар устида ишлаш муаммосини пайдо қилди. Бунинг натижасида 2008 йилда “Big data” (“Катта маълумотлар”) термини пайдо бўлди [133] ва бу йўналиш МИТ йўналишининг деярли барча усул ва алгоритмларини қамраб олади. Ундан ташқари, маълумотларни йиғишнинг автоматик воситалари, МББТни кенг қамровли қўлланилиши, электрон ҳужжат алмашинуви, www, мультимедиали архивлар ва бошқалар. Буларнинг барчаси ахборот ҳажмнинг ўсишига ва сақланаётган ахборот тузилмасини мураккаблашишига олиб келмоқда. Бу каби муаммоларни бартараф этишда МИТнинг қуйидаги масалалари устида тадқиқот ишларини олиб бориш зарур:

- Таснифлаш (Classification)
- Кластерлаш (Clustering)
- Башоратлаш (Forecasting)
- Баҳолаш (Estimation)
- Ассоциатив қоидаларни излаш (Association Rule Mining)
- Регрессия (Regression)
- Визуаллаштириш (Visualization, Graph Mining)
- Web Mining, Text Mining
- ва ҳ.к.

МИТ масалаларининг қисқача тавсифи. Классификация (таснифлаш, ўқитувчи ёрдамида ўқитиш, гуруҳларга ажратиш) масаласидир. Унинг ёрдамида янги, назоратдаги объектни аввалдан маълум бўлган у ёки бу синфга тегишлилиги аниқланади. *Кластеризация* (автоматик классификация, таксономия, ўқитувчисиз ўқитиш) масаласида объектларнинг ўзаро яқинлиги бўйича автоматик равишда кластерларга ажратилади ва улар ажратилган кластерига (синфига) тегишли деб олинади. Кластеризация усуллари билан аксарият ҳолларда катта ҳажмли турли типли маълумотларни тадқиқ қилиш билан боғлиқ масалаларни ечиш учун хизмат қилади. *Регрессион таҳлил* ўзгарувчилар ўртасидаги муносабатлар миқдорий ифодаланган ҳолда уларнинг айрим комбинациялари кўринишида ишлатилади. Унда асосан,

стандарт статистик усуллар қўлланилади. Булардан бири чизиқли регрессиядир. Вақт кетма-кетликларини *башорат қилиш* бошланғич маълумотларни ёки ярим қайта ишланган маълумотларни таҳлил қилиш асосида бўлғуси башорат ўзгарувчилари қийматини баҳолаш имконини беради. *Ассоциация* бир нечта ҳодиса ва фактларнинг боғлиқлигини топиш усули ҳисобланади. Тартибни келтириб чиқариш таҳлил қилинаётган маълумотларни вақт тартиби занжирини аниқлаш ҳамда сочилиб ётган вақт тартибларини гуруҳлаштиришни амалга оширади. Яъни қўйилган мақсад ёки олдиндан кутилган ечимдан хатолик оғиши аниқланади. Булардан ташқари сўнгги вақтларда маълумотларни визуал талқин этиш (визуаллаштириш), матнли ахборотларни таҳлил этиш (Web Mining, Text Mining) каби йўналишлар ҳам ривожланиб бормоқда.

Ўтган асрнинг 60 йилларидан бошлаб бугунги кунгача МИТнинг асосий масалаларидан ҳисобланаган классификация ва кластеризация масалалари устида *тимсолларни аниқлаш* йўналиши орқали оммавий равишда тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда [2,15,31,33, 34,43,46,66,73,76].

Тимсолларни аниқлаш – бу муайян предмет соҳанинг бир жинсли объектлар тўпламини ўқитиш ва таниб олишга асосланган усул ва алгоритмларни тадқиқ этувчи фандир. Тирик мавжудот борки, у ҳаётининг ҳар дақиқасида таниб олиш масаласини ҳал этади. Масалан, инсон сезги органлари орқали ўзига маълум бўлган предмет, жараён ёки ҳолатларни аниқлайди.


Инсон таниб олиш масалаларини ҳал этиши учун у ташқи муҳит ҳақидаги зарурий ахборотларга эга бўлиши талаб этилади. Шунга кўра, ҳисоблаш техникаларини интеллектуаллаштириш жараёни ҳам кўп босқичли ўқитиш жараёнини босиб ўтишни талаб қилади.

Тимсолларни аниқлаш йўналишидаги дастлабки ишланма АҚШда ўтган асрнинг 60-йиллари бошларида конверт символларини таниб олувчи тизим бўлди. Бу ишланма тимсолларни аниқлаш йўналишининг ривожланишига турки бўлди.

Тимсолларни аниқлаш усулларида кенг фойдаланувчи интеллектуал тизимларнинг ривожланишида энг муҳим йўналишлар бўлиб ҳисобланувчи қуйидагиларни келтириш мумкин:

- символлар (қўлёзма ва босма матнлар, банк чеклари ва пулкупюралари)ни таниб олишда;
- тасвирларни таниб олишда;
- нутқни таниб олишда;
- тиббиёт диагностикасида;
- хавфсизлик тизимларида;
- таснифлаш, кластеризация ҳамда маълумотлар ва билимлар базасидан қонуниятларни излаш масалаларида;
- ва ҳ.к.

Қуйида тимсолларни аниқлашнинг асосий босқичлари шакллантирилган умумий схема келтирилади (1.2-расмга қаранг):



1.2-расм. Тимсолларни аниқлашнинг умумий схемаси

1.2-расмда тимсолларни аниқлаш босқичларида прецедентга (ўқув танланмага) асосланган эвристик-мантиқий таниб олувчи усул ва алгоритмлар ишлаб чиқилган [44].

Прецедент – аввал содир бўлган бирор воқеа, ходиса ёки жараённинг айнан шу турдаги ҳолатларига намуна бўла оладиган кўринишда акс эттирилиши тушунилади. Бу ерда таниб олинаётган тимсол прецедент-намунанинг барча тимсоллари билан ўзаро қиёсланиши ва унинг қайси прецедент синфига тегишлилик даражасини аниқлаш ғояси ётади. Тимсолларни аниқлашда прецедентлар жадвалидан асосан “ўқитувчи

ёрдамида” ўқитиш яъни таснифлаш масалаларида ўқув танланма (эталон) жадвали сифатида фойдаланилади.

Прецедентлар асосида таниб олишга мўлжаллаган усуллар орқали таснифлаш масалалари икки босқичда ҳал этилади [11,12]:

- биринчи босқичда R_A - таниб олиш оператори шакллантирилади;
- иккинчи босқичда r_A - ҳал қилувчи қоида қурилади.

Қуйида прецедентлар ва қисмий прецедентлик тамойилларига асосланган усулларга мисоллар келтирилади.

Прецедентлар бўйича таниб олиш усуллари:

- Статистик алгоритмлар (*Statistical pattern recognition*) (k -яқин қўшнилар усули, кўп ўлчовли нормал тақсимот ёрдамида аппроксимация қилиш, Фишернинг чизикли дискриминанти) [5,25];
- Ажратувчи текисликларни қуришга асосланган алгоритмлар [73];
- Потенциал функциялар усули [15];
- Нейрон тармоқлар моделлари [8,66,71];
- Ҳал қилувчи дарахтлар [25] ва б.

Қисмий прецедентлик тушунчаси – тимсолларни аниқлашда прецедент сифатида келтирилган ахборотларни бир-бири билан қиёслаш жараёнини уларнинг белгилар фазосининг турли қисмлари бўйича амалга ошириш тушунилади.

Қисмий прецедентликка асосланган таниб олиш усуллари:

- Тест алгоритми [76];
- Вакиллар жамланмаси ёрдамида таниб олиш алгоритмлари [61];
- Баҳоларни ҳисоблашга асосланган таниб олувчи алгоритмлар [38,42,43];
- Статистик ўлчаб (чамалаб) овоз бериш [25].

Булардан ташқари тимсолларни аниқлашда кенг қўлланилаётган нейрон тармоқлар (Neural networks), тимсолларни аниқлашнинг тузилмавий усуллари (Structural pattern recognition), тимсолларни аниқлашнинг синтактик усуллари (Syntactic pattern recognition), тимсолларни аниқлашга яқинлашувчи мулоҳазали ёндашув (Approximate reasoning approach to pattern recognition),

таянч векторлар машинаси (Support Vector Machine – SVM), Норовшан тўпламлар иловалари (The application of fuzzy sets) ва ҳ.к. усулларини келтириш мумкин [82 б.152].

Қуйидаги параграфларда қисмий прецедентлик тамойилларига асосланган алгоритмлар синфининг типик вакили баҳоларни ҳисоблаш алгоритмлари (БХА) ва унинг классик босқичлари ҳақида мулоҳаза юритилади.

1.4. Норовшан мантикий хулосалаш қоидалари

Қарорларни қабул қилиш (ҚҚҚ) тизимларида бошқарув қарорларининг хусусияти ва қийматлари R муносабатни чиқаришнинг композиция қоидаси асосида белгиланади. Формал кўринишда бундай ҚҚҚ модели (X, R, Y) учлиги билан берилади. Бу ерда $X = \{x_1, x_2, \dots, x_n\}$, $Y = \{y_1, y_2, \dots, y_m\}$ - A_i киришлар ва B_j чиқишлар билан берилган асосий тўпламлар, R – “Кириш - чиқиш” норовшан муносабати.

Одатда P муносабат эксперт томонидан сўз билан ифодаланган ва кейинчалик формаллаштирилган сифатли ахборот асосида қурилади. Эксперт ахборотлари “Агар A_1 , у ҳолда B_1 , ёки Агар A_2 , у ҳолда B_2 , ... , ёки Агар A_n , у ҳолда B_n ” шаклидаги мулоҳазалар йиғиндиси кўринишда ифодаланади. Бу ерда A_i , B_i – тегишли $\mu_{A_i}(x)$, $\mu_{B_i}(y)$, $x \in X$, $y \in Y$ мансублик функциялари билан бериладиган кириш ва чиқишга эга бўлган норовшан тўпламлар (НрТ). $R_i = \langle\langle \text{Агар } A_i, \text{ у ҳолда } B_i \rangle\rangle$ қоидаси $\mu_{R=A \rightarrow B}(x, y)$ мансублик функцияси билан белгиланади. Унинг қиймати юқорида келтирилган формула ёрдамида топилади. “Ёки” боғламаси R_i қоидалар йиғиндисини бирлаштиради ва натижада умумлаштирилган якуний P қоидаси

$$R = \bigcup_i R_i = \max_i (\min(\mu_{A_i}(x), \mu_{B_i}(y))), i = \overline{1, N}$$

ҳосил бўлади.

Агар жорий вақт учун тизимнинг кириш ҳолати аниқ $\tilde{A}'$ қисм тўплам билан белгиланган ва умумий R бошқарув қарори маълум бўлса, у ҳолда ушбу R қарорнинг тизимни киришига таъсири натижаси $\tilde{B}' = \tilde{A}' \circ R$ чиқаришнинг композиция қоидаси ёрдамида белгиланади. Бу ҳолатда $\mu_{B'}(y)$ қийматлари юқорида келтирилган максиминли амали

$$\begin{aligned}\mu_{B'}(y) &= \bigvee_x (\mu_{A'}(x) \wedge \mu_R(x, y)) = \bigvee_x (\mu_{A'}(x) \wedge (\mu_A(x) \wedge \mu_B(y))) = \\ &= (\bigvee_x (\mu_{A'}(x) \wedge \mu_A(x))) \wedge \mu_B(y) = \mu_{A' \cap A}(x) \wedge \mu_B(y) = \delta \wedge \mu_B(y).\end{aligned}$$

ёрдамида топилади.

Бу ерда $\delta = \mu_{A' \cap A}(x)$ - "Агар A , у ҳолда B " қоида(импликация)да "Агар A " ва "Агар A " мулоҳазанинг тўғрилиқ даражасини кўрсатади. У фойдаланувчи талаблари ва қоидаларида бериладиган маълумотлар ўртасидаги мувофиқлик даражасини белгилайди.

Норавшан мантиқий хулосалаш (НМХ)нинг бир қанча алгоритмлари мавжуд. Улар бир-биридан импликация қоидаларидан фойдаланиши билан фарқ қилади. Тегишли аниқ қоидани эксперт ўзининг мезонига қараб танлаб олади.

Мамдани бўйича норавшан хулоса чиқариш. Фараз қилайлик, куйидаги икки қоида

$$R_1 : \text{Агар } x \text{ бу } A_1 \text{ ва } u \text{ бу } B_1, \text{ у ҳолда } z \text{ бу } C_1;$$

$$R_2 : \text{Агар } x \text{ бу } A_2 \text{ ва } u \text{ бу } B_2, \text{ у ҳолда } z \text{ бу } C_2$$

берилган бўлсин, бу ерда: x, u – кириш ўзгарувчанлар; z – чиқиш ўзгарувчан; $A_1, A_2, B_1, B_2, C_1, C_2$ – кириш ва чиқиш ўзгарувчанларнинг муайян(аниқ) мансублик функциялари, яъни тегишли МФ билан берилган норавшан термлари.

Бериладиган x_0, u_0 аниқ(равшан) қийматлари асосида z_0 нинг аниқ қийматини топиш керак.

R_1 va R_2 қоидалар учун тегишли α_1 va α_2 тўғрилиқ даражалари $\alpha_1 = \mu_{A_1}(x_o) \wedge \mu_{B_1}(y_o)$, $\alpha_2 = \mu_{A_2}(x_o) \wedge \mu_{B_2}(y_o)$ ифодалар билан белгиланади.

ҚМХЧ алгоритми қуйидаги процедураларнинг бажарилишидан иборат:

1) Аниқ (равшан) x_0, y_0 қийматларни фаззификациялаш, яъни A_1, A_2, B_1 va B_2 НрТларнинг x_0 va y_0 аниқ қийматлари учун тегишли МФ қийматларига асосланиб, α_1 va α_2 тўғрилиқ даражаларини ҳисоблаш.

2) R_1 va R_2 муносабатлар учун оралиқ - $\mu_{C'_1}(z)$ ва $\mu_{C'_2}(z)$ норавшан чиқаришларни шакллантириш. Бунда импликация амали сифатида минимум (норавшан конъюнкция) амали

$$\mu_{C'_1}(z) = \alpha_1 \wedge \mu_{C_1}(z),$$

$$\mu_{C'_2}(z) = \alpha_2 \wedge \mu_{C_2}(z)$$

қўлланилади.

Кейин олинган $\mu_{C'_1}(z)$ ва $\mu_{C'_2}(z)$ НрТлар, максимум (норавшан дизъюнкция) амали ёрдамида бирлаштирилади ва якуний $\mu_c(z)$ НМХ қиймати

$$\begin{aligned} \mu_c(z) &= \mu_{C'_1}(z) \vee \mu_{C'_2}(z) = [\alpha_1 \wedge \mu_{C_1}(z)] \vee [\alpha_2 \wedge \mu_{C_2}(z)] = \\ &= \max[\min(\alpha_1, \mu_{C_1}(z)), \min(\alpha_2, \mu_{C_2}(z))] \end{aligned}$$

топилади.

3) Ноаниқ $\mu_c(z)$ қийматни, киришнинг ўзгарувчан аниқ x_0, y_0 қийматларига муносиб бўлган, аниқ z_0 қийматга ўзгартирилади (дефаззификацияланади). Бунинг учун амалда иккита, яъни центроидни ва максимум центроидни топиш усуллари қўлланилади.

Центроидни топиш усули учун

$$Z_{цт} = \frac{\sum_{j=1}^n \mu_c(z_j) z_j}{\sum_{j=1}^n \mu_c(z_j)}$$

фойдаланилади.

Максимум центроидни топиш усули учун

$$Z_{MM} = \sum_{j=1}^m \frac{z_j}{m}$$

ишлатилади.

Дефаззификациялаш учун бошқа усуллар ҳам мавжуд, яъни майдон маркази, чап(биринчи) максимум, ўнг(охирги) максимум ва б.қ.

Ларсен бўйича норавшан хулоса чиқариш. Бу ерда алгебраик кўпайтма амали кўринишдаги норавшан импликация амали қўлланилади. Бу ҳолда ечим $\mu_{C_1'}(z) = \alpha_1 \cdot \mu_{C_1}(z)$, $\mu_{C_2'}(z) = \alpha_2 \cdot \mu_{C_2}(z)$ кўринишларда топилади. Уларни бирлаштириш натижасида якуний $\mu_c(z)$ НМХ қиймати $\mu_C(z) = [\alpha_1 \cdot \mu_{C_1}(z)] \vee [\alpha_2 \cdot \mu_{C_2}(z)]$ аниқланади.

Заде бўйича норавшан хулоса чиқариш. Бу ҳолда максимин амали кўринишдаги норавшан импликация амали қўлланилади. Ечим кўйидаги

$$\mu_{C_1'}(z) = (1 - \alpha_1) \vee \mu_{C_1}(z);$$

$$\mu_{C_2'}(z) = (1 - \alpha_2) \vee \mu_{C_2}(z);$$

$$\mu_C(z) = [(1 - \alpha_1) \vee \mu_{C_1}(z)] \vee [(1 - \alpha_2) \vee \mu_{C_2}(z)]$$

кўринишларда топилади.

Лукасевич бўйича норавшан хулоса чиқариш. Бу ҳолда Лукасевич коидаси кўринишдаги норавшан импликация амали қўлланилади. Ечим


$$\mu_C(z) = [1 \wedge (1 - \alpha_1 + \mu_{C_1}(z))] \vee [1 \wedge (1 - \alpha_2 + \mu_{C_2}(z))]$$

кўринишда топилади.

1.7-расмда Мамдани бўйича норавшан хулоса чиқариш алгоритмининг график кўринишдаги ҳолати келтирилган.

C_1 ва C_2 НрТлар ва уларнинг $\mu_{C_1'}(z)$ ва $\mu_{C_2'}(z)$ МФлари графикларида ингичка қалин чизик билан кириш ўзгарувчан аниқ x_0, y_0 қийматларига муносиб бўлган оралиқ чиқаришлар қийматлари - $\mu_{C_1'}(z)$ ва $\mu_{C_2'}(z)$

кўрсатилган. НМХнинг якуний $\mu_c(z)$ қиймати C_1 ҚМТ графикда қалин чизик билан кўрсатилган. Максимум марказни топиш усулидан фойдаланган ҳолда $z_1, z_2, z_3, z_4, z_5, z_6$ (ёки - z_2, z_3, z_4, z_5) қийматларининг ўрта арифметик қийматини ҳисоблаш керак. Улар $\mu_c(z)$ графикдаги трапециянинг бурчакларига мувофиқ бўлган чиқиш қийматлари бўлади.




1.7-расм. Мамдани бўйича норавшан чиқариш алгоритмининг графиги.

Пакет норавшан мантиқ асосида эксперт тизимларини яратиш имконини беради, норавшан мантиқ алгоритмлари билан кластерлашни, шунингдек, норавшан нейротармоқни лойиҳалаштиришни амалга оширади.

Пакет норавшан тизимларни итерфаолли қадамларда лойиҳалаш учун график интерфейс, дастур ишлаб чиқишда буйруқлар сатри функцияси, шунингдек, Simulinkда норавшан мантиқ тизимини қуриш учун махсус блокларни ўз ичига олади.

Пакетнинг барча функциялари MATLABнинг очик тилида ёзилган бўлиб, алгоритмларнинг бажарилишини назорат қилиш, дастур матнини ўзгартириш, шунингдек, ўзингизнинг хусусий функциялар ва процедураларингизни қуриш имконини беради.

Мисол. Норавшан кластеризация. Fuzzy Logic Toolbox маълумотларни норавшан C-means, субтрактив кластеризациялаш ва классификациялашни ҳамда моделлаштиришни амалга ошира олади.



1.8-расм. Кластеризациялаш ойнаси.

Норавшан кластеризация учун фойдаланувчига интерфейсида классификациялаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ва тизимларни моделлаштиришда сонли қиймалардан фойдаланилган.

I боб бўйича хулоса

1. Тасврларна сонли ишлов беришда норавшан филтрлаш коидаларини қуриш ва норавшан мантиқнинг асосий тушунчалари ўрганилди.
2. MATLAB дастурининг Fuzzy Logic Toolbox пакети ва амалиётда қўллаш усуллари таҳлил қилинди.

3. Image Processing Toolbox пакетида тасвирларга рақамли ишлов бериш воситалари таҳлил этилди ва табиий техноген объектларни тадқиқ этиш масалалари кўрилди.

4. MATLAB муҳитида табиий техноген объектларни рақамли тадқиқ этиш схемаси ишлаб чиқилди ва асосланди, ҳамда MATLAB амалий математик дастурлар пакетида график тасвирларни намоиш этиш форматлари кўриб чиқилди.


II БОБ. ТАСВИРЛАРДА НОРАВШАН БЕЛГИЛАР БИЛАН БЕРИЛГАН ОБЪЕКТЛАРНИ АНГЛАШДА НОРАВШАН МАНТИҚ УСУЛЛАРИГА ТАЯНИЛГАН ЁНДАШУВ

2.1. Норавшан тизимлар ёрдамида тасвирга рақамли ишлов бериш алгоритми

Ҳозирги кунда тасвирларга автоматик ишлов бериш сунъий интеллект соҳасининг муҳим йўналишларидан биридир. Таниб олиш учун энг самарали воситалар сифатида норавшан мантиқ ва сунъий нейрон тўрлар билан қурилган тизимлар ҳисобланади. Техник кўриш тизимларида бир масалани турли усул ва алгоритмлар билан ечишда юқори тезлик ва ишончли идентификация кўрсаткичларини таъминлаши лозим. Бунинг учун тасвирнинг қабул қилинишидан тортиб, уни таҳлил қилиш, дастлабки ишлов бериш, сегментация ва таниб олишга қадар бирча босқичларда зарурий параметрларни автоматик аниқлаш ҳамда танлаш усул ва алгоритмларини ишлаб чиқилади.

Тасвирга рақамли ишлов беришда норавшан ишлов бериш – тушуниш, тасаввур этиш, қайта ишлаш ва сегментлашларда турли норавшан ёндашувлар ҳамда норавшан тўпламлар мажмуасини ифодалайди. Таниб олиш жараёнида тасвирни дастлабки норавшан ишлов бериш жараёни муҳим аҳамият касб этади, чунки сифатли маълумотлар кейинги босқичларда аниқликни оширади. Диссертацияда қўйилган вазифа доирасида ишлаб чиқилган дастлабки норавшан ишлов бериш алгоритмини кетма-кет босқичларда қуйидагича ифодалаш мумкин (2.1-расм):

- тасвирга олувчи қурилма ёрдамида рақамли тасвирни олиш;
- рангли тасвирни кулранг градациядаги тасвирга ўтказиш;
- тасвирга норавшан ишлов бериш.



2.1-расм. Тасвирга норавшан ишлов бериш алгоритми.

Шундай қилиб, биринчи қадамда рангли тасвирни кулранг тасвирга ўтказиш талаб этилади.

Барча ранг палитраси куб шаклида ифодаланганда унинг учлари турли рангларга мос келади. Кул ранг шкаласи кубнинг оқ ва қора учларини бирлаштирувчи диагоналда жойлашади ҳамда пикселлардаги ранг қиймати 0 ва 255 оралиғида бўлганлиги сабабли ундаги бажариладиган амаллар соддалашади. Рангли тасвирни кулранг тасвирга ўтказишда ҳар бир пикселда қизил, яшил ва кўк ранглар ажратилиб, ушбу

$$Gray_{ij} = 0,255 \cdot R_{ij} + 0,255 \cdot G_{ij} + 0,255 \cdot B_{ij} \quad (2.1)$$

формула билан амалга оширилади, бу ерда $Gray_{ij}$ – берилган рангли тасвирнинг i, j координатасидаги пикселнинг кулранг ёруғлик қиймати, R_{ij}, G_{ij}, B_{ij} – қизил, яшил ва кўк рангларнинг ёруғлик қиймати. Ҳар бир алгоритмда натижавий қиймат 0 ва 1 оралиғида ётади. Фақат кулранг тасвирга ўтказишда бир неча усуллар мавжуд. Равшанлигини аниқлаш усулида ранларнинг иккита энг юқори ва энг кичик қийматларининг ўртача қийматидан фойдаланилади:

$$Gray_{ij} = \frac{1}{2}(\max(R_{ij}, G_{ij}, B_{ij}) + \min(R_{ij}, G_{ij}, B_{ij})). \quad (2.2)$$

Ўртачалар усулида эса барча рангларнинг ўртачаси қўлланилади:

$$Gray_{ij} = \frac{R_{ij} + G_{ij} + B_{ij}}{3}. \quad (2.3)$$

Бундай алмаштириш рангли тасвирдаги R, G, B ранг қийматлари турлича бўлганда яхши натижа беради.

Ёрқинлигини¹ аниқлаш усулида барча ранглар бўйича ўйлаб топилган ўрта қиймат қўлланилади, яъни инсон кўзининг яшил рангга сезгирлиги юқори бўлганлиги сабабли:

$$Gray_{ij} = 0,3 \cdot R_{ij} + 0,59 \cdot G_{ij} + 0,11 \cdot B_{ij}. \quad (2.4)$$

Тасвирларга ишлов беришда ёрқинликни аниқлаш усулининг дастурий таъминоти ишлатилади. MATLAB муҳитида «**rgb2gray**» функцияси амалга оширади ва компьютерли кўришда тез-тез қўлланилади.

Дастлабки норавшан ишлов бериш жараёнида RGB моделидаги рангли тасвирни кулранг тасвирга ёрқинликни аниқлаш усули ёрдамида ўтказилади. Сўнгра кулрангдан $[0,1]$ оқ-қорага алмаштирилади («**gray2bw**»). Бу жараёндан ҳосил қилинган бинар тасвир аслига кўра бузилади, яъни бу объектларда узилиш ва ювилишларнинг пайдо бўлиши, бир жинсли соҳаларда ҳалақитларнинг пайдо бўлиши ҳамда объектларнинг тузилмавий бутунлигининг йўқолиши билан тушунтирилади. Объект бутунлигининг йўқолиши ва улардаги узилишлар объектларни ўта нотекис ёритилиши ёки тегишиб туриши ёки бир-бирига устма-уст тушиши каби бир қатор сабаблар таъсирида юзага келиши мумкин. Ишлов беришда асосий мураккаблик айнан устма-уст тушишда (ёки тегишиб туришида), худди шундай бир томондан, бир неча объектлар битта объект каби талқин қилиниши мумкин, иккинчи томондан эса, объектнинг геометрик бутунлигини текшириш алгоритми объектларнинг тегишиш жойларини оқ фондаги узилишлар билан шакллантириш мумкин. Ишлов беришнинг мураккаблиги тегишган

¹ Муаллиф таржима: Ёрқинлиги– яркость, Равшанлиги – Светлоты.

объектларни талқин қилишда ахборотни йўқотмайдиган назарий ечимнинг мавжуд эмаслигидадир. Амалиётда алгоритм келтирилган вариантлардан тўғрисиани танлаши лозим: кесишиш жорий объектнинг давоми ёки кесишиш соҳаси объектга тегишли эмас. Одатда, бинарлаштириш порогли қийматлар орқали амалга оширилади. Порогли алмаштириш тасвирларни сегментлашда ҳам кенг қўлланилади.

Бинарлаштириш жараёнининг барча усуллари порогли сиртнинг курилишига кўра икки гуруҳга ажратилади – глобал ва локал бинарлаш. Глобал бинарлашда порогли сирт порогли ёруғликнинг доимий қиймати билан аниқланади, яъни порог қиймати тасвирнинг барча бир хил рангли пикселлари гистограммани таҳлили асосида ҳисоблаб чиқилади. Унинг камчилиги – агар дастлабки тасвирда нотекис ёритилиш бўлса, у ҳолда ёмон ёритилган соҳалар қора ранг 1 билан аниқланиши мумкин. Локал бинарлашда порогли қиймат айрим белгили соҳалардан бошқа нуқталарда унинг атрофи орқали аниқланади. Бундаги камчилик эса ҳар бир нуқтада алоҳида ҳисоблашлар эвазига алгоритмнинг нисбатан секин ишлашидадир.

Қўйилган масалани ечиш усули сифатида Бернсен усулидан фойдаланамиз. Бу усул пикселнинг атрофидаги пикселларнинг ёруғлик даражалари локал ўртача қийматига кўра алмаштириш ғояси билан асосланади (2.2-расм).

P_1	P_2	P_3
P_0	$\xrightarrow{(m,n)}$	P_4
P_7	P_6	P_5

2.2-расм. Тасвир пикселларини алмаштириш

Тасвир сифати(контрасти)ни ошириш алгоритми.

1) INT- Оператори ёрдамида

